

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШ ЗАРУРИЯТИ

Рахимов Хасан Абдусайтович

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доценти, Phd

Аннотация: *Меҳмонхона хўжаликларида кадрлар менежментини ташкил қилиш ва такомиллаштиришда нима учун фактларга таяниш ва кўп фикрни ўртага ташлашга эришиш лозим, деган савол муҳим ҳисобланади. Қарорларни қабул қилишга асос бўлган жиҳатлар ҳам жуда кўп.*

Калит сўзлар: *туризм, меҳмонхона хўжалиги, аҳоли бандлиги, ялти ички маҳсулот, соҳа, тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳаси, эҳтиёж, ижтимоий соҳа, меҳмондўстлик, туризм тарихи, Буюк Ипак йўли, сайёҳлик марказлари.*

Кириш.

Бугунги кунда миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва унинг таркибий тузилмасини мустаҳкамлашда хизмат кўрсатиш соҳаси, хусусан, меҳмонхона хўжаликлари муҳим ўрин эгалламоқда. Туризм индустриясининг жадал суръатларда ривожланиши меҳмонхона хизматларига бўлган талабни ошириб, ушбу соҳани иқтисодий ўсишнинг стратегик йўналишларидан бирига айлантормоқда. Шу нуқтаи назардан, миллий иқтисодиётда меҳмонхона хўжаликларини ташкил этиш заруриятини ўрганиш долзарб илмий-амалий аҳамият касб этади.

Меҳмонхона хўжаликлари иқтисодиётда нафақат аҳоли ва меҳмонларга хизмат кўрсатиш вазифасини бажаради, балки иш ўринларини яратиш, инвестицияларни жалб қилиш ва давлат бюджети даромадларини оширишда ҳам муҳим омил ҳисобланади. Ушбу соҳа ривожланиши ички ва ташқи туризм оқимларини кенгайтиришга, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Шу билан бирга, глобаллашув жараёнлари ва халқаро рақобат муҳити меҳмонхона хизматлари сифатини ошириш, замонавий стандартларни жорий этиш ҳамда инфратузилмани такомиллаштириш заруратини келтириб чиқармоқда. Бу эса миллий иқтисодиётда меҳмонхона хўжаликларини самарали ташкил этиш ва ривожлантиришни стратегик вазифага айлантиради.

Бугунги шароитда рақамли технологияларнинг жорий этилиши, инвестицион муҳитнинг яхшиланиши ва давлат томонидан туризм соҳасига берилаётган эътибор меҳмонхона хўжаликларини ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратмоқда. Шу

сабабли, ушбу соҳанинг иқтисодий аҳамиятини илмий жиҳатдан асослаш ва унинг миллий иқтисодиётдаги ўрнини таҳлил қилиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Ушбу мақоланинг мақсади миллий иқтисодиётда меҳмонхона хўжалиklarининг ташкил топиш заруриятини асослаш, уларнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятини ёритиш ҳамда ривожланиш омилларини таҳлил қилишдан иборат.

Асосий қисм.

Ўзбекистонда туризм соҳаси жадаллик билан ривожланиб бормоқда. Саёҳатчилар билан зиёратчилар Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларига катта қизиқиш билан қарашмоқда. Чунки ушбу шаҳарлар дунё тан олган шаҳарлар таркибида бўлиб, ўзининг тарихий обидалари ва маданий мерослари билан ЮНЕСКОнинг рўйхатига киритилган. Тарихий ёдгорликлар сони ва уларнинг сақланиши, халқаро сайёҳлар орасидаги машҳурлиги каби йўналишлари бўйича ҳам ушбу шаҳарлар сайёҳлик марказларига айланмоқда.

Президентимиз раҳнамолигида туризмни ривожлантириш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ўзининг юксак натижаларини бермоқда. Айрим мутахассисларнинг берган маълумотига қараганда, бугунги кунда юртимизда 860 дан зиёд сайёҳлик ташкилоти фаолият юритмоқда⁴⁹. Уларнинг ихтиёрида замонавий меҳмонхоналар, дам олиш масканлари туристларга мувоффақият билан хизмат қилиб келмоқда. Туристларга сервис хизматини кўрсатиш, уларнинг сифатини ошириш борасида ҳам анча ишлар қилинди. Буларнинг барчаси тобора яхшиланиб бораётган янги-янги туристик масканларнинг пайдо бўлиши, замонавий меҳмонхоналарнинг вужуга келиши ана шундай кенг қамровли ислохотлар самарасидир.

Ўзбекистон учун ушбу соҳани ривожлантиришнинг яна бир муҳим томони шундаки, мамлакатимизнинг қишлоқ жойларида ишсиз аҳолини иш билан таъминлашда ҳам ҳал қилувчи омил бўлиб ҳисобланади⁵⁰.

Мамлакатимизда Буюк Ипак йўли бўйлаб туризмни таклашга катта эътибор берилмоқда. Хусусан, 1995 йил 2 июнда мамлакатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикасининг Буюк Ипак йўлининг шаклланишида иштирокини фаоллаштириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш тўғрисида”ги Фармониға имзо

⁴⁹ Қўлдошев Қ. Ўзбекистон туризм ривожланаётган давлатлар бешлигида. // “Адолат” газетаси. 14-сон. 2013 йил 5 апрель. – 7-бет.

⁵⁰ Ortikniyozovich U. F. The Significance of Theoretical Concepts of Services and Service Activity // American Journal of Economics and Business Management. – 2022. – Т. 5. – № 6. – С. 43-45.

чекилди⁵¹. Мазкур ҳужжат халқаро туризмни ривожлантириш ва унда Буюк Ипак йўли бўйлаб туристик маршрутларни таклаш масаласида анча ишларни амалга оширишга тўртки бўлди. Ушбу йўлнинг марказида жойлашган Ўзбекистонда тўрт мингдан ортиқ тарихий-меъморий обида мавжуд. Юртимизнинг бебаҳо моддий ва маънавий мероси ҳисобланган ушбу осори-атиқалар кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келинапти. Мустақиллик йилларида уларнинг жуда кўп қисми қайтадан таъмирланиб, реконструкция қилинди ва асл ҳолига қайтарилди. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам ҳозиргача туристик ресурс сифатида туристик маршрутларга киритилиб, кенг кўламда фойдаланилаётган эмас.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизнинг муҳим туризм марказлари бўлган Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз шаҳарлари туризмда кенг фойдаланилмоқда. Чунки ушбу шаҳарлар биринчидан, ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган бўлса, иккинчидан, анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Ипак йўлидаги туризм” халқаро сайёҳлик ярмаркаси бу борадаги имкониятларни янада кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу туфайли мазкур масалага катта эътибор қаратилаётганлигининг сабабларидан бири ҳам шунда.

XXI-асрга келиб дунё миқёсида туризм барқарор иқтисодий ривожланишнинг муҳим омилларидан бирига айланди. Туризмнинг дунё бозорида сотилган барча тавар ва хизматларнинг 27 %ни, ялпи миллий маҳсулотнинг 11 %ни, жалб қилинган инвестициянинг 10 %ни, ҳар 16 та иш ўрнининг бирини ташкил этади⁵². Ушбу соҳа аҳолининг турмуш даражасини ошириш, кўшимча иш ўринларини яратиш ва халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш имконини ҳам бермоқда. Энг характерли жиҳатларидан бири шундаки, ушбу соҳа асосан хусусий мулк эвазига ривожланмоқда. Бу мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш имконини ҳам беради.

Ўзбекистонда туризм салоҳиятидан янада самарали фойдаланишга йўналтирилган чора-тадбирлар белгиланиб, муваффақиятли амалга оширилмоқда. Жумладан, янги сайёҳлик йўналишлари ишлаб чиқиляпти, мавжуд транспорт коммуникациялари қайта таъмирланиб, янгилари барпо этиляпти. Мустақиллик йилларида Тошкент – Самарқанд (Регистон), Тошкент – Қарши (Насаф) ва Тошкент – Бухоро (Шарқ) тезюлар покздлари қатнови йўлга қўйилган эди. Мустақиллигимизнинг 20 йиллик байрами арафасида “Тошкент — Самарқанд”, “Самарқанд — Тошкент” йўналишида замонавий

⁵¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг Буюк Ипак йўлининг шаклланишида иштирокини фаоллаштириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш тўғрисида”ги Фармони.

⁵² Пардаев М.Қ. Туризм хизмат бозорини ривожлантириш борасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ва ваколатлари. // Ўзбекистонда туризм хизмат бозорини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари. Монография. – Т.: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2012. – 142-бет.

тезюар “Афросиёб” поезди қатнови йўлга қўйилди. Тошкент, Нукус, Бухоро, Урганч шаҳарларидаги аэропортлар модернизация қилиниб, халқаро талабларга тўлиқ жавоб берадиган сервис хизматлари кўрсатиш имконияти яратилди. Булар мамлакатимизга хорижлик сайёҳлар оқимининг кўпайишига хизмат қилмоқда. Натижада жуда қисқа вақтда мамлакатимизга ташриф буюрадиган туристлар сони бир миллиондан ошиб кетди.

Меҳмонхоналар фаолиятининг кенгайиши ўз-ўзидан содир бўлмайди. Жаҳон амалиётидан маълумки, туризмни ривожлантириш орқали мамлакат иқтисодиётининг ўсишга, кам тараққий этган ҳудудларнинг ривожланишига, аҳоли бандлигининг ошишига, аҳоли маданиятининг юксалишига олиб келади⁵³.

Шуни таъкидлаш жоизки, биздек катта туристик салоҳиятга эга бўлган мамлакат учун туристларнинг ушбу сони жуда кам. Чунки, Францияга бир йилда халқаро туризм сифатида ташриф буюрувчиларнинг сони 72,2 млн. кишини ташкил қилади. Бу кўрсаткич Испанияда 50,1 млн кишини, АҚШда – 45,5 млн. кишини, Италияда – 39,1 млн. кишини, Хитойда 33,2 млн. кишини ташкил қилади⁵⁴. Демак бизда ҳали соҳани ривожлантириш учун жуда катта ташкилий-иқтисодий тадбирларни амалга оширишимиз лозим экан.

Туризм соҳасида иш ўринларини яратиш борасида ҳам анча ишларни амалга оширишимиз лозим. Кўпгина мамлакатларда туризмга хизмат қилувчи меҳмонхона ва ресторанларда жами банд аҳолининг таркибида аёлларнинг улуши юқори. Масалан, барча шу соҳада банд ходимлар таркибида аёлларнинг улуши Кореяда 68 %ни, Австрияда 64 %ни, Янги Зеландияда 62 %ни, Буюк Британияда 61 %ни, Канадада 60 %ни, Германия ва Швецарияда 59 %ни, Багам оролларида 58 %ни, Австралияда ва Нидерландияда 55 %ни, Мексика ва Паенамада 54 %ни ташкил қилмоқда⁵⁵. Бизнинг мамлакатимизда аёлларга хос ва мос иш ўринларини яратиш ўта жиддий ва устувор масалалардан бири бўлиб турган ҳозирги ҳолатда ушбу тажрибалардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса ҳозирги пайтда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш масаласи кўндаланг бўлиб турган бир пайтда, аёлларни мазкур соҳага ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлигини таъминлаш имкониятлари кенгрок очилмоқда. Зеро, меҳмонхона ва ресторанларнинг кўпайиши мамлакатимиз

⁵³ Холикулов А., Юлдашева Н. Меҳмонхоналарда сервис сифатини оширишнинг концептуал йўналишлари ва уни баҳолашнинг илмий-назарий ва услубий масалалари //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 2. – С. 76-86.

⁵⁴ Пардаев М.Қ. Туризм хизмат бозорини ривожлантириш борасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ва ваколатлари. //Ўзбекистонда туризм хизмат бозорини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари. Монография. – Т.: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2012. – 142-бет.

⁵⁵ Экономика и организация туризма: международный туризм: учебное пособие. /Под ред. И.А.Рябовой, Ю.В.Забоева, Е.Л.Драчевой. – 4-е изд., испр. И доп. – М.: КНОРУС, 2010. - С. 60-61.

таракқиётининг ҳозирги босқичида туризмни ривожлантириш учун муҳим ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида устувор вазифалар қаторидан жой олмоқда.

Хулоса.

Миллий иқтисодиётда меҳмонхона хўжалиklarини ташкил этиш заруриятини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ушбу соҳа иқтисодий ўсишнинг муҳим драйверларидан бири ҳисобланади. Меҳмонхона хўжалиklари туризм индустриясининг асосий инфратузилма элементи сифатида хизмат кўрсатиб, аҳоли бандлигини таъминлаш, инвестицияларни жалб қилиш ва ҳудудлар иқтисодий салоҳиятини оширишда муҳим ўрин тутаяди.

Тадқиқот натижаларига кўра, меҳмонхона хўжалиklarининг ривожланиши ички ва ташқи туризм оқимларини кенгайтиришга, миллий иқтисодиётнинг хизматлар соҳасини диверсификация қилишга ҳамда давлат бюджети даромадларини оширишга хизмат қилади. Бу эса уларни ташкил этиш ва самарали бошқаришни стратегик аҳамиятга эга масалага айлантиради.

Шу билан бирга, замонавий иқтисодий шароитда рақобат муҳити, глобаллашув жараёнлари ва мижозлар талабларининг ортиши меҳмонхона хўжалиklarидан юқори сифатли хизматлар кўрсатиш, инновацион технологияларни жорий этиш ва халқаро стандартларга мослашишни талаб этади. Бу омиллар соҳанинг барқарор ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, миллий иқтисодиётда меҳмонхона хўжалиklarини ташкил этиш нафақат иқтисодий самарадорликни оширади, балки мамлакатнинг туризм салоҳиятини ривожлантириш ва унинг халқаро нуфузини мустаҳкамлашга ҳам муҳим ҳисса қўшади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қўлдошев Қ. Ўзбекистон туризм ривожланаётган давлатлар бешлигида. //”Адолат” газетаси. 14-сон. 2013 йил 5 апрель. – 7-бет.
2. Ortikniyozovich U. F. The Significance of Theoretical Concepts of Services and Service Activity //American Journal of Economics and Business Management. – 2022. – Т. 5. – №. 6. – С. 43-45.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг Буюк Ипак йўлининг шаклланишида иштирокини фаоллаштириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш тўғрисида”ги Фармони.
4. Пардаев М.Қ. Туризм хизмат бозорини ривожлантириш борасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ва ваколатлари. //Ўзбекистонда туризм хизмат

бозорини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари. Монография. – Т.: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2012. – 142-бет.

5. Холикулов А., Юлдашева Н. Меҳмонхоналарда сервис сифатини оширишнинг концептуал йўналишлари ва уни баҳолашнинг илмий-назарий ва услубий масалалари //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 2. – С. 76-86.

6. Пардаев М.Қ. Туризм хизмат бозорини ривожлантириш борасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ва ваколатлари. //Ўзбекистонда туризм хизмат бозорини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари. Монография. – Т.: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2012. – 142-бет.

7. Экономика и организация туризма: международный туризм: учебное пособие. /Под ред. И.А.Рябовой, Ю.В.Забаева, Е.Л.Драчевой. – 4-е изд., испр. И доп. – М.: КНОРУС, 2010. - С. 60-61.